

2-1-2019

## Issues of financing small business enterprises in the context of economic diversification

R.S. Muratov

*Tashkent State University of Economics Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49,*  
rahmon.1959@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

---

### Recommended Citation

Muratov, R.S. (2019) "Issues of financing small business enterprises in the context of economic diversification," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 2 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss2/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Муратов Рахмон Сайибович,**  
ТДИУ доцент, и.ф.н.  
E-mail: [rahmon.1959@mail.ru](mailto:rahmon.1959@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес корхоналарини молиялаштиришда банк кредит маблағлари ставкаларини мақсадга молик йўналтирилмаётганлиги, кредит таъминотлари билан боғлиқ муаммоларни мавжудлиги, кредит маблағларини аксарият ҳолларда аниқ манзилли эмаслиги, республикада хорижий кредит тизимида кенг жорий этилаётган секьюритазация механизмлари асосида ривожлантириш омилларини кенг жорий этиш масалалари кўриб чиқилиб, уларни ҳал этиш бўйича Private Banking, WIP-хизмат кўрсатиш ва Famous Office банк хизматларини кенг жорий этиш, банклар тизимида кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи замонавий банк таваккалчилик менежменти тизимини қўллаш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** диверсификация, инвестиция, молиявий маблағлар, тижорат кредити, имтиёзли кредит, микрокредит, Private Banking, WIP-хизмат кўрсатиш, Family Offis банк хизматлари, секьюритазация, молиявий стратегия, хусусий мулк, ишбилармонлик муҳити, нобанк кредит ташкилоти.

**Аннотация:** В статье рассматриваются нецелесообразности обеспечения целевыми финансовыми ресурсами субъектов малого бизнеса, процентные ставки по кредиту в экономике страны, существующие проблемы с обеспечением связанные с кредитными ресурсами, в большинстве случаев кредитные средства не являются нецелевыми (адресуемыми), рассмотрены вопросы широкого внедрения факторов развития в республике на основе механизмов секьюритизации, на их решение широко внедряемых в зарубежную кредитную систему, широкое внедрение Private Banking, WIP-сервиса и банковских услуг Famous Offis, разработаны выводы и рекомендации по использованию современных систем управления банковскими рисками в банковской системе малого бизнеса.

**Ключевые слова:** диверсификация, инвестиции, финансовые ресурсы, коммерческие кредиты, льготные кредиты, микрокредиты, Private Banking, WIP - обслуживание, Family Offis банковские услуги, секьюритизация, финансовая стратегия, частная собственность, бизнес-среда, небанковская кредитная организация.

**Abstract:** The article discusses the inappropriateness of providing targeted financial resources for small businesses with interest rates on loans in the country's economy, existing problems with collateral related to credit resources, in most cases, credit funds are not inappropriate (addressable), the issues of widespread introduction of development factors in the republic on the basis of securitization mechanisms, on their solution widely implemented in the foreign credit system, widespread introduction of Private Banking, WIP-service and banking services Famous Office, Developed conclusions and recommendations on the use of modern banking risk management systems in the small business banking system.

**Key words:** diversification, investment, financial resources, commercial loans, preferential loans, microcredits, Private Banking, WIP-Service, Bank Service of Family Office, securitization, financial strategy, private property, business environment, nonbanking credit organization.

### Кириш

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш механизмларини ривожлантириш, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик мамлакатимиз ички бозорини товар ва хизматлар билан таъминлашда, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини оширишда, молиявий ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишда, ижтимоий гуруҳлар даромадларининг номутаносиблигини камайтиришда, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий катализатори ҳисобланади.

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, ҳозирда кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш, банк кредит маблағлари билан таъминлашда мазкур тизимда айрим муаммо ва масалалар вужудга келмоқда, жумладан: кредит ставкаларининг юқорилиги; кредит олиш жараёнларида маълумотларни тўлиқ ва аниқ эмаслиги ҳамда шартларнинг қатъийлиги, кредит бўйича сифатли, мақсадга молик таъминотнинг мавжуд эмаслиги, аризаларни узоқ муддатларда кўриб чиқилиши ва уларни аниқ манзилли эмаслиги, аксарият тадбиркорларнинг юридик ва иқтисодий жиҳатдан билим даражаларини пастлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сегментларини кредитлаш салоҳиятини пасайиши ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини секьюритизация механизмлари асосида кредитлаш механизмларини ривожланмаганлиги кабилардир.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев 2017 йил 22 январда Ўзбекистон Республикаси парламенти-Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур”-лигини алоҳида таъкидлаб ўтди. [2]

Чунончи, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳага молиявий кўмак бериш ҳамда ушбу ёрдамни ривожланган, замонавий банк тизими орқали фоиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитларни ишлаб чиқариш корхоналарига ажратиш йўли билан амалга ошириш имкониятларига, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хом-ашё ва материалларни сотиб олишда ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес соҳаси субъектларини кредитлаш ҳажмини 1,2 баробар ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

**Белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги масалаларни тадқиқ қилиш ва ёритиб бериш асоси вазифалардан ҳисобланади:**

- бизнес-режа асосида молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни дастлабки босқичда аниқлаш ва молиялаштиришнинг самарали усуллари танлаш, сўнг эса кичик бизнес субъекти фаолиятининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда унинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини режалаштириш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш.

- кичик бизнес субъектининг жорий молиявий мажбуриятларини бажаришга имкон берувчи нақд пуллар, даромадлар ва харажатлар ҳаракатини назорат қилишга асосланган молиявий ресурслар билан таъминлаш (тезкор режалаштириш ва мувофиқлаштириш) вазифаси. Айнан тезкор режалаштириш ва мувофиқлаштириш кичик бизнес субъектининг ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминланиши;

- молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили. Бу вазифани бажаришда кичик бизнес субъекти активлари таркибининг таҳлили, кредит сиёсатининг самарадорлиги, таваккалчиликлар, инвестициялар таҳлили, субъектнинг

дивиденд соҳасидаги стратегик вазифаларини ишлаб чиқиш каби масалалар муҳим аҳамиятга эга эканлиги;

- кичик бизнес субъектларининг молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда секьюритизация механизмлари асосида кредитлаш механизмларини жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни интенсификациялаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммолари ечилаётган бир даврда кредитнинг илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқаришга жалб этишдаги аҳамияти ортиб бормоқда.

Кредитнинг аҳамиятини кредитни интенсификациялаш дастаги ва рағбатлантирувчиси, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бажарадиган функцияларининг натижаси сифатида аниқлаштириш мумкин.

Мазкур йўналиш бўйича иқтисодчи олимлардан О.Гончарованинг фикрича, ...хорижий мамлакатлар молиялаштириш тизимида секьюритизация кредит механизми устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади”-деб эътироф этади. [3]

Таъкидлаб ўтиш жоизки, кредит олувчини фаолиятини яхши ўрганилмаслиги ва керакли ҳужжатларга эга бўлмаслик кредит рискинни кучайтиради. Банклар ҳар доим кредит рискинни камайтиришга ҳаракат қилишади, чунки уни умуман йўқотишни иложи йўқ. Рискни камайтиришда уни тақсимлаш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун банкнинг кредит портфели шундай диверсификация қилинган бўлиши лозимки, бунда бирор бир мижознинг, мижозлар гуруҳининг ёки маълум бир тармоқдаги мижозларнинг ночор ҳолатга тушиб қолишлари банк фаолияти учун хавф туғдирмаслиги керак.

Эътироф этиш жоизки, кичик бизнес фаолиятини молиялаштириш масалалари бўйича ушбу соҳа мутахассислари ва олимлари ўзларининг турлича ёндашуви ва фикрларини бидиришган. Жумладан, доцент Р.Турсуновнинг фикрича, молиялаш тизими қуйидаги тўртта қисмни мужассамлаштира олгандагина яхлит ва объектив бўлади: молиявий муассасалар ва молиявий хизматлар кўрсатувчи инфратузилмалар; молиялаш (кредитлаш ва микрокредитлаш) тартиби; молиялаш йўналишлари ва объектлари; молиялаш манбалари ва усуллари. Бу таркибий қисмлар ўзаро алоқадорликка эга ва бир бутунликни ифодалайди, деб фикр билдирган.[4] Шунингдек, Ибадова Л.Т. ва П.В.Воробьевларнинг фикрича, «молиялаштириш механизми – субъект ўз ва қарз маблағларидан самаралироқ фойдаланиши ҳамда энг кам таҳлика шароитида юқори фойда олишни таъминлашининг услублари, йўналишлари ҳақидаги фандир» деб изоҳлайдилар [5].

Мазкур тушунчалар умумий тушунчалар бўлиб ҳозирги даврдаги кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштириш механизмларини янада соддалаштириш, уларнинг салоҳиятини оширишда ҳудудий миқёсда ривожлантириш омиллари, ўз навбатида кичик бизнес тизимлари фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ масалаларни янада ойдинлаштириб, уни унификациялаш, такомиллаштириш масалалари кўрсатиб берилмаган.

Бу эса ўз навбатида кичик бизнес фаолиятини кредитлашнинг илмий-техника, инновацион тараққиётига ижобий таъсири жаҳон талабларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат харажатларини камайтириш, меҳнат унумдорлигини сезиларли

даражада оширишга имкон берувчи янги техника ва технологияларни киритиш жараёнларини имтиёзли кредитлашда кўринмоқда.

Шунингдек, Е.С.Стоянова, «молиялаштириш механизми субъект ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун фойдаланадиган усулларнинг зарурий мажмуасидир. Бу ердаги асосий нарса бош мақсадга зид келмайдиган, унга эришишни таъминлайдиган усулларни танлай билиш ва қўллай олишдадир» [6] деб таъкидлайди.

Фикримизча, кичик бизнес субъектлари молиялаштириш механизмини такомиллаштириш концепцияси иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ўзига хос хусусиятлар ва белгиларга эга бўлиб, тадқиқотимизнинг марказий объекти ҳисобланади.

Молиялаштириш механизми – субъектни умумий мақсадларга эришишини таъминлашга йўналтирувчи тизимдир. У бир томондан, ўзига хос хусусиятлар ва маълум бир қонуниятларига эга бўлган, бошқариладиган тизимдир. Иккинчи томондан эса, субъектни бошқариш умумий тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида солиқлар, баҳо, меҳнатга ҳақ тўлаш, инвестиция сиёсати, фоиз ставкалари кабилар давлатнинг тартибга солиш тадбирлари орқали турли хил бошқарув қарорлари таъсирига мойил бўлади. Хўжалик механизми ҳамда унинг таркибий қисми бўлмиш молиялаштириш механизми яқингача бошқариладиган тизимдаги етакчи соҳа сифатида ўрганишни талаб этади

#### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур тадқиқот мамлакат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тижорат банклари томонидан молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришнинг методологик асосларига бағишланган бўлиб, мақолани тайёрлашда статистик маълумотлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми, унинг 2008-20016 йиллардаги динамик ўсиши (камайиши) ҳолатини таққослаш, таҳлил этиш, илмий абстракциялаш ва эксперт баҳолаш асосида эса бизнес субъектларининг тўлов қобилияти, кредит маблағларини таъминлаш бўйича ликвидлик ҳолатларини тизимли таҳлил усулларида фойдаланилган.

Ушбу йўналишдаги долзарб муаммоларни тадқиқ этиш орқали тижорат банкларининг молиялаштириш механизмларини функционал стратегиялари ва сиёсатлари ўртасидаги узвий боғлиқлик даражасини оширишга хизмат қилади.

#### **Таҳлил ва натижалар**


Кичик бизнесда капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарор суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашда молиявий жиҳатдан кўмаклашиш, жумладан, кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги маълумотлардан кўринадики, мамлакамизда 2016 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган

кредитларнинг умумий ҳажми 2015 йилга нисбатан 25,1 фоиз кўпайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 53,4 трлн.сўмга етди. [7]

Ушбу тадбирлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хом-ашё ва материалларни сотиб олишда молиявий ресурсларга бўлган талабларини имконини беради.

Банк тизими томонидан амалга оширилган қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2015 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпайиб, 2017 йил 1 январь ҳолатига 15,9 трлн. сўмга етди (1-расм).



**1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар,трлн.сўм. 2016**

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Мазкур таҳлил натижалари шундан далолат берадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришда кредит маблағлари билан таъминлаш борасида, уларда тўловга қобилиятли кафолатловчи корхона ва муассасаларнинг ликвидлик мол-мулкларини етарли даражада эмаслигидир. Аксарият масъул банк муассасалари ходимларининг фикрига кўра, кўпчилик таъминотчи мулк эгалари, юқори ликвидлик мулкка ёки маблағларига эга эмасликлар билан изоҳланади.

Бу ўринда халқаро амалиётда мижозларга яқка тартибдаги банк хизматларини кўрсатишга қуйидаги омиллар сабаб бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан:

- мамлакат ичкарисидаги ижобий сиёсий ва иқтисодий ҳолатнинг мавжудлиги;
- мамлакатда саноатни, хизмат кўрсатиш соҳасини ва қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши натижасида аҳолининг моддий фаровонлигини ортиши ва мулкдорлар, юқори ҳамда ўрта бўғиндаги ёлланма менежерларнинг сонини кўпайтириш;
- хусусий тартибдаги банк хизматини кўрсатишига эҳтиёж сезган потенциалнинг ортиши;
- хусусий тартибдаги банк хизмати кўрсатиш бозорида соғлом рақобатнинг



кучайиши;

- тижорат банкларида узоқ муддатли пасивларни катта миқдорда жалб этиш учун имкониятни юзага чиқиши кабилар.

Амалга оширилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, кичик бизнес субъектларининг молиялаштириш механизмларида кредит маблағлари билан таъминлашдаги мавжуд асосий муаммоларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

**Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш  
жараёнларидаги муаммолар**

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фикрига кўра:	Тижорат банкларининг фикрига кўра:
<ul style="list-style-type: none"> <li>- кредит ставкаларининг юқорилиги;</li> <li>-кредит олиш жараёнларида маълумотларни тўлиқ ва аниқ эмаслиги ҳамда шартларнинг қатъийлиги;</li> <li>-кредит бўйича сифатли, мақсадга молик таъминотнинг мавжуд эмаслиги;</li> <li>- аризаларни ўзоқ муддатларда кўриб чиқиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-тадбиркорлар томонидан кредитларни қайтарилмаслик таҳдиди;</li> <li>-кичик бизнес субъектлари томонидан кредитлар бўйича тўлов муддатларини ўтиб кетишлигининг ўсиши;</li> <li>-қарз олувчиларнинг банкротлик таҳдидининг ўсиши</li> </ul>
<p><b>Таҳлил натижаларига кўра фикримиз:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>–давлат томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб қувватлаш даражасини етарли ва аниқ манзилли эмаслиги;</li> <li>-аксарияти тадбиркорларнинг юридик ва иқтисодий жиҳатдан билим даражаларини пастлиги;</li> <li>– кичик бизнес субъектлари сегментларини кредитлаш салоҳиятини пасайиши;</li> <li>– кичик бизнес субъектларини секьюритизация механизмлари асосида кредитлаш механизмларини ривожланмаганлиги.</li> </ul>	

**Манба:** Кузатувлар асосида муаллиф ишланмаси.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, аксарият ҳолларда гаровга қўйилган мол-мулк, техник жиҳозлар мазкур корхоналар фаолиятида амалда қўлланилаётган ёки айланма маблағлар тариқасида ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) жараёнларида фаолият кўрсатаётган мол-мулклардан бўлиб ҳисобланмоқда. Натижада, мазкур мол-мулклар ўз вақтида кафолат сифатида кредит учун тўлов воситаси бўлмасдан қолмоқда.

Шу сабабли, ҳозирда мамлакатимиз миқёсида хусусий тартибда банк хизмати кўрсатишнинг моҳиятини очишда уч ташкил этувчига, яъни Private Banking, WIP -хизмат кўрсатиш ва Familiy Offisera (оилавий офис) ажратиш лозим.

Анъанавий Private Bankingни ўз моҳиятига асосан хусусий шахс ва унинг оила аъзоларига ишончнома асосида юқори малакали шахсий менеджерлар орқали молиявий ва номолиявий хизматлар ҳамда махсус маҳсулотларни кўрсатишнинг йиғиндисидир. Бунда кўрсатиладиган хизматлар ҳар бир мижознинг хоҳишига асосан кўрсатилади ва шу асосда уларнинг нозик дидидаги эҳтиёжини тўлароқ қониқтиришга ҳаракат қилинади.

Private Bankingдан фарқли равишда WIP- хизмат кўрсатишда мижозларга стандартлаштирилган молиявий хизматлар ва маҳсулотлар комплекси кўрсатилади. Бошқача айтганда, WIP - хизмат кўрсатишда мижозларга стандарт ҳарактердаги анъанавий

банк хизматлари юқори сифатда ва қулай шарт-шароитларда ҳамда нисбатан арзон баҳода амалга оширилади.

Familliy Offise (оилавий офис) хизмати эса хусусий шахс ва унинг оила аъзоларининг пул маблағларини бошқариш бўйича турли-туман қарорларини ўз ичига олади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки оилавий офисда энг асосий эътибор хусусий шахс ва унинг оила аъзоларига банк ва нобанк хизматлари бозорида турли туман хизмат кўрсатувчиларнинг ихтиёридаги барча молиявий ва номолиявий хизматлар ҳамда маҳсулотларнинг йиғиндисидан уларнинг ҳарактерига мос келадиганини танлаб олишга қаратилади. Шунинг учун халқаро амалиётда Familliy Offisening концепцияси «очиқ архитектура» тамойилларига асосан ташкил этилади.

Таҳлиллар шунинг кўрсатмоқдаки, аксарият ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларида дастлабки сармоя сифатида ўз маблағлари (устав фонди пул маблағлари қисми) кам иштирок этади. Бу бир томондан республикамиз ҳукумати томонидан кичик бизнес субъектларини кредит бериш механизмини ривожлантириш туфайли кредит ресурсларининг дастлабки сармоя сифатида жалб этилиши бўлса, бошқа томондан айрим тадбиркорларда тадбиркорлик қобилияти мавжуд бўлган ҳолда дастлабки жамғармани йўқлигини билдиради.

Кредитнинг ҳозирги шароитдаги мавқеини ошириш учун банклар кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашлари, ликвидлик қобилиятига эга бўлмаган захира ва харажатларга кредит бермасликлари, кредитни муомала харажатларини иқтисод қилишда кенг қўллашни ҳисобга олишлари мақсадга мувофиқдир.

### **Хулоса ва таклифлар**

Амалга оширилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий маблағлар билан таъминлашда замонавий секьюритизация (қимматбаҳо қоғозлар-ипотека кредит портфели, автокредитлар, лизинг активлари, кўчмас мулк тижорати ва б.) кредит механизмларини жорий этиш талаб даражасида эмас.

Ваҳоланки, “...банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш”-муҳим омиллардандир [1].

Республикамиз тижорат банклари фаолиятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш борасидаги рискларни бошқариш бўйича қайд этилган муаммоларни бартараф этиш, ечимини топиш, халқаро стандартлар асосида замонавий банк риск-менежмент тизимини ташкил этиш, кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришда мамлакатимиз банк тизими барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 сонли фармони.



2. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси парламенти-Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2017 йил 22 декабрь). <http://www.uzreport.com/>.

3. Гончарова О.Ю. Кредитование малого бизнеса в современной России: проблемы и перспективы / О. В. Гончарова // Российское предпринимательство. – 2015. – Т. 16. – № 14. – С. 2125-2138.

4. Турсунов Р.Т. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳолатининг таҳлили”. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011 йил.

5. Ибадова Л.Т, Воробьев П.В. Финансирование и кредитование малого бизнеса в России: правовые аспекты. – «Волтерс Клувер», 2006.

6. Стоянова Е.С. «Финансово-кредитный механизм: теория и практика». М.: Перспектива, 1996 – С.40

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.